

**АРХАИЗМ** - эскириб, истеъмолдан чикиб колган, хозирги тилимизда синоними мавжуд бўлган сўз ёки ибора. Архаизмларнинг лексик, фонетик, морфологик ва фразеологик каби кўринишлари мавжуд. Архаизмлар бадиий адабиётда ўтмиш манзараларини акс эттириш, давр рухини хакконий ва ишонarli ифодалашда, нутк охангининг тантанаворлигини таъминлашда услубий восита сифатида ишлатилади. Масалан, Ойбекнинг «Навойи» романида шундай жумлага кўзимиз тушади: «Кадим замонда бир олим ўтган экан. У агар рубъи маскундаги барча олимларнинг хотирларидан барча улум ва фунун баногох кўтарилса, у илмларнинг хаммасини аслидай тиргизишга кодирмен, дер экан. Ўғлим, сизда ўшандай зако ва истиъдод кўрамен. Саъи-гайратни асло кўлдан бермасангиз!» Кузатаётганимиздек, парчада хозирги тилимизда кўлланилмайдиган сўз ва кўшимчалар ишлатилиб, Ойбек уларнинг баъзиларига сахифа остида изоҳ хам берган. Бу хил лексик ва грамматик бирликлар китобхонга акс эттирилаётган давр рухини хис килишга ёрдамлашади, воқеа-ходисаларнинг ишончлилигини таъминлайди. Ёзувчилар архаик сўз хамда иборалардан баъзан сатирик ва комик образлар яратиш, матнга кесатик, киноя охангини бериш максатида фойдаланадилар. А.Кодирий «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида» туркум хикояларида, Г.Гулом ва А.Каххор ўтмиш мавзусидаги кисса ва хикояларида архаик сўз, ибора хамда архаик услубдан мана шу ниятда фойдаланганликларини кузатиш мумкин.